Ушбу сонда:
2 САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК
3 ҚЎЛБОЛА ҲУЖЖАТ СИРИ ёки кредит уюшмаси нега алданди?
4 Театр МУҚАДДАС ДАРГОҲ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2006 йил 29 март, чоршанба № 56 (2105)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ҚЎШМА КОРХОНА

***Қадимий ва навқирон Марғилонда Наврўз тантаналари давом этаётган айни кунларда шаҳардаги қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди - «Марғилонтекс» ўзбек-турк қўшма корхонаси иш бошлади.***

Фарғона ип-газлама ишлаб чиқариш акционерлик жамияти ҳамда Туркиянинг «Седаттекстил» фирмаси ташаббуси билан барпо этилган қўшма корхонанинг умумий лойиҳа қиймати 3 миллион 70 минг АҚШ долларини ташкил этади. Корхонада 220 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Маҳсулотлар асосан Россия ва Туркияга экспорт қилинаётир.

Корхона энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда бир йилда 2760 тонна ип-калава ишлаб чиқарилади. Бу - 3,5 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулотни хорижга экспорт қилиш демакдир. Йил охирига қадар корхонани кенгайтириш ҳисобидан яна 200 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

# ПРЕЗИДЕНТ СЕУЛГА ЖЎНАБ КЕТДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 март куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.***

Бу Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига тўртинчи ташрифидир.

- Изчил мустаҳкамланиб келаётган Ўзбекистон-Жанубий Корея ҳамкорлигининг кўлами тобора кенгаймоқда, - деди Ислом Каримов Сеулга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан мулоқотда. - Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 38 фоизга ўсиб, 564 миллион АҚШ долларига етгани бунинг тасдиғидир. Шу вақтга қадар Корея Республикаси томонидан юртимиз иқтисодиётига киритилган сармоянинг умумий ҳажми бир миллиард доллардан ошди.

Мамлакатимизда Корея Республикаси сармояси иштирокида ташкил этилган 138 қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Улар машинасозлик, савдо, енгил, кимё, озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш, турар-жой коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва хизматлар кўрсатиш соҳаларига ихтисослашган.

Ўн йилдан буён Андижон вилоятининг Асака шаҳрида фаолият юритаётган енгил автомобил ишлаб чиқарувчи «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси ҳам ўзаро ҳамкорлигимизнинг салмоқли самараларидандир.

- Жанубий кореялик ҳамкорларимиз билан таълим, соғлиқни сақлаш каби йўналишларда ҳам алоқаларимиз изчил ривожланмоқда, - деди давлатимиз раҳбари. - Хусусан, мамлакатимизда изчил амалга ошириб келинаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида қурилган кўпгина коллеж ва академик лицейларни зарур ускуналар билан таъминлаш учун Корея Республикаси томонидан 70 миллион доллар ажратилган. Мазкур ташриф асносида эса Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бўйича амалга ошириладиган мақсадларга 30 миллион доллар миқдорида узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш бўйича шартнома имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Ташриф мобайнида 15 ҳужжат имзоланиши мўлжалланган. Улар асосида юртимизга киритиладиган Жанубий Корея сармояси ҳажми бир миллиард 800 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Имзоланиши режалаштирилган ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги ҳужжат айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бундай ҳужжатнинг имзоланиши халқаро майдонда муҳим воқеа ҳисобланади.

Президентимизнинг ушбу давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланиб, янги босқичга кўтарилишида муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

**(ЎзА)**

# ИСЛОМ КАРИМОВ СЕУЛГА КЕЛДИ

***СЕУЛ. 28 март (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи бошланди. Сеулга етиб келган мамлакатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳга жойлашди.

Президентимизнинг мазкур ташрифи доирасидаги асосий музокаралар ва тадбирлар 29-30 март кунлари бўлиб ўтади.

*Раёсат йиғилиши*

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ



***Мамлакатимизда аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, уни муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили», жорий йилнинг эса «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинишининг ўзиёқ ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган улкан ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар дебочаси, деб айтиш мумкин. Бу ўз-ўзидан соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизими олдига ҳам улкан вазифаларни юклайди.***

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши раёсат йиғилиши қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтгани ҳам тармоқ ходимлари олдида турган вазифаларга нақадар жиддий муносабатда бўлинаётганидан далолатдир. Тармоқ касаба уюшмалари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинар экан, ютуқларни эътироф этиш билан бирга йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги вилоят кенгашлари, вакилликлари томонидан иш ҳақи тўловлари бўйича корхоналарда мониторинг йўлга қўйилди. Шунингдек, вилоят ҳокимликлари, прокуратура ва банкларга мурожаатлар қилинди ҳамда иш ҳақидан қарздорликни тугатиш бўйича ижобий натижаларга эришилди. 2005 йил 1 феврал ҳолатига республика соғлиқни сақлаш муассасаларида иш ҳақидан қарздорлик 469 миллион 691 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йил бошигача қарзлар тўлиқ тугатилди.

— Юртимизда қабул қилинаётган ҳар бир қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда касаба уюшмаларининг талаб ҳамда таклифларига алоҳида эътибор қаратилади, - дейди тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгаши раиси Озода Муҳитдинова. — Лекин айрим тиббий муассаса раҳбарларининг меҳнат қонунларини яхши билмасликлари, баъзи соғлиқни сақлаш бошқармаларида ва жойлардаги тиббиёт ташкилотларида ҳуқуқшуносларнинг йўқлиги туфайли тармоқ ходимларимизнинг ҳуқуқлари поймол бўлиш ҳолатлари учрамоқда. Ҳар бир хато, йўл қўйилган қонунбузарлик иш жойларида носоғлом муҳитни келтириб чиқариши мумкин. Раёсат йиғилишида қонун устуворлигини таъминлаш учун иш берувчилар ва касаба уюшма фаолларининг ҳуқуқий маданиятларини ошириш, бу соҳадаги ишларни янада фаоллаштириш мезони эканлиги алоҳида таъкидланди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат Дастури доирасида қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида сўз борар экан, бу ўта муҳим тадбирни амалга ошириш тармоқ ходимларидан катта масъулият талаб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Дастурни бажариш юзасидан қатнашчилар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъати ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раёсатининг 2004-2006 йиллар учун тузилган икки томонлама Жамоа Келишувининг 2005 йилда бажарилиши ва Ҳомийлар ва шифокорлар йили учун қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қўшма қарори ҳам тасдиқланди.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**



*Дўст билан обод уйинг...*

# ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

***Мамлакатимизда юздан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари яшамоқда. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли юртимизда диний бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик ва дўстлик муҳити қарор топган.***

Ўзбекистонда умргузаронлик қилаётган ҳар бир халқнинг миллий анъаналари, урф-одатлари, она тилини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, диний маросимларини эмин-эркин ўтказиши учун барча шароитлар яратилган. Корейслар билан ўзбеклар азалдан дўст ва биродарликда яшаб келишган. Бугунги кунда ҳам улар истиқлол шукуҳидан баҳраманд бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Тажрибали деҳқон Лёва Ким Юртбошимиз назарига тушган олижаноб инсонлардан. Чорак асрдан бери деҳқончиликни юксалтириш йўлида фидойилик кўрсатаётган қишлоқ зироатчиси ҳар йили пахта, ғалла, сабзавот, полиз экинларидан юқори ҳосил етиштираяпти. Қарши даштини ўзлаштирувчилар сафига биринчилар қаторида қўшилган заҳматкаш деҳқон катта тажриба мактабини яратди. Фермерлик ҳаракати бошланганида илк бор хайрли ташаббусга қўшилди.

Бугунги кунда миллионлаб даромад олаётган саҳий фермер келган фойданинг бир қисмини хайрия тадбирлари учун шифохоналар, кам таъминланган оилаларга ажратмоқда. Ўзбекларнинг тили, урф-одатларини тўлиқ ўзлаштириб олган, ерли халқ орасида дўсту-жўралари кўп. Собиқ 8-жамоа хўжалигида жойлашган дашт ерларда кўркам ва обод қўрғонча барпо этган. Ўз тақдирини элимиз ҳаёти билан боғлаган Людмила Кимни иқтидорли журналист сифатида билишади. Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан «Дўстлик» ордени билан мукофотланган тиниб-тинчимас ижодкор аёлни Муборак ва Шўртан нефт-газчилари, Деҳқонобод, Помуқ ва Ғузор чўпончўлиқлари, Касби, Косон, Миришкор пахтакорлари, Шаҳрисабз ва Китобнинг толмас билак боғбонлару соҳибкорлари ҳузурида учратасиз. «Новости Кашкадарьи» газетаси муҳаррирининг ўринбосари сифатида ўнлаб ёш журналистларга мураббийлик қилаяпти.

— Ўзбекистонда яшайдиган барча миллат вакиллари қатори корейсларнинг ҳам миллий қадриятлари, маданий меросини авайлаб-асраб, келгуси авлодларга етказиши учун одилона сиёсат юргизилмоқда, — дейди корейс миллий-маданий маркази вилоят бўлими раиси Павел Пак. — Қашқадарёнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига муносиб улуш қўшиб келаётган миллатдошларимиз билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган корейс миллий-маданий маркази фаоллари томонидан халқлар дўстлигини улуғловчи учрашувлар ўтказилаяпти. Қарши шаҳрининг «Хафизахон» чойхонасида «Дўст билан обод уйинг» мавзусида уюштирилган кеча таассуротларга бой ва қизиқарли бўлди. Учрашувда сўзга чиққан вилоят ҳокими Н.Зайниев, корейс миллий-маданий маркази раҳбари П.Пак, меҳнат фахрийси Л.Ким, Қарши магистрал канали ва насос станциялари бошқармаси бошлиғи, шоир Рустам Очилов, қурувчи Марат Муродхўжаев, автоэлектрчи Валерий Юзбековлар қардош халқ тарихи, босиб ўтган йўли ва бугунги турмуш тарзи ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

— Тақдирим ўзбек диёри билан туташиб кетган, — дейди кеча иштирокчиси, биология фанлари номзоди Афанасий Ким. — Бундай мулоқотлар ёшларимизни ватанпарварлик, дўстлик ва биродарлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Учрашув қатнашчилари воҳа халқ хўжалиги ривожи йўлида кўп йиллар астойдил тер тўккан Павел Пак, Афанасий Ким, Борис Цой, Валерий Нигай, Людмила Ким, Илья Пак, Лев Ким кабиларнинг самарали хизматларини миннатдорлик билан тилга олдилар.

Спортчиларнинг акробатик машқлари, каратэчилар чиқишлари, марказ қошидан «Ариран» ҳаваскорлик бадиий дастасининг дилтортар концертлари, хушовоз хонанда Ольга Каннинг ёқимли қўшиқлари барчада катта таассурот қолдирди.

Дўстлик бўрондан қудратли. Биродарлик ва ҳамжиҳатлик тили, динидан қатъи назар турли миллат ва элатларни бир-бирига бирлаштиради. Бебаҳо бойлигимиз тинчлик ва аҳилликнинг мустаҳкамланаётганлиги ҳар бир хонадонга бахт-саодат келтириб, юртимиз осойишталигини таъминлаяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ФЕРМЕРЛАРГА ЁРДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Наманган вилоятида 29 та ширкатни фермер хўжаликларига айлантириш ишлари амалга оширилмоқда. Янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятига кўмаклашиш мақсадида агросаноат фирмалари тузилмоқда.

Ана шундай агросаноат фирмаларидан бири Наманган туманидаги собиқ «Соҳибкор» ширкат хўжалиги ўрнида таъсис этилган бўлиб, яқинда бу ерда 103 та фермер хўжалиги ташкил этилди.

*Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги*

# ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

***Қумқўрғон туманидаги «Сурхон комбинати» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бозор иқтисодиёти шароитида оқсаб қолди. Корхонадаги мушкул аҳволни ўнглаш учун мутасаддилар бир неча бор раҳбарни алмаштирдилар. Бироқ, кутилган натижага эришилмади.***

Ана шундай пайтда Қ.Турсунов асосий оғирликни ўз зиммасига олиб, корхонанинг аввалги довруғини тиклашга киришди. Унинг ташаббусини жамоа қўллаб-қувватлади. Дастлаб янги раҳбарга, қолаверса, ишчи-хизматчиларга ҳам осон бўлмади. Корхонани бошқаришнинг янги тартибига баъзилар дош бера олмай, уни тарк этишди. Бутун умри давомида қадрдон ишхонасини иккинчи уйим, деб билган фидойи мутахассислар эса мавжуд қийинчиликлардан чўчимай, уни бартараф этишга киришдилар. Натижада маъмурият билан касаба уюшма ташкилотининг ўзаро ҳамжиҳатликда қилган саъй-ҳаракатлари, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширган тадбирлари тез орада ўзининг самарасини берди.

Бугун ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот турлари кўпайиб бормоқда. 300 нафар ишчи-хизматчи турли ҳажмдаги плиталар, бетон блоклар, темир йўл маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Комбинатнинг темир-бетон цехи ишчиси Рашид Пардаевнинг ўртача ойлик маоши ҳозир 160 минг сўмга тўғри келмоқда. Норбой Эшқобилов, Рўзи Алланазаров каби илғор ишчиларнинг мукофоту дивидентларини қўшиб ҳисобласа, йиллик даромади салкам икки миллион сўмни ташкил этаяпти.

— Амалдаги жамоа шартномамизга асосан ишчиларга ҳар ойда ўртача 134 минг сўмдан иш ҳақи тўланяпти. Яна улар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг сифатига қараб қўшимча мукофот ҳам олишмоқда. Режасини ошириб бажарган ишчиларга ҳар чоракда мукофот ҳам бериб борилмоқда. Корхона соф фойда ҳисобидан ишчиларнинг ишга келиб-кетишлари учун махсус автобус ажратган. Шу билан бирга уларга бир маҳал бепул иссиқ овқат бериб борилади. Корхонадаги тиббий шохобчамизда эса жамоамиз аъзоларининг соғлигини мунтазам назорат қилиб бориш ташкил этилган, — дейди корхона касаба уюшмаси раиси Тўрахон Аҳмедов.

«Сурхон» ОТҲЖ энг аввало ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этяпти. Харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, ишчи ва хизматчиларга зарур шарт-шароитларни яратишга эътиборни кучайтирмоқда. Маҳсулот таннархини камайтириш чораларини кўрилмоқда. Натижада талаб ортиб, харидорлар кўпайди. Харажатларнинг камайтирилиши эвазига таъминот яхшиланди. Олинаётган соф фойда ҳисобига жамият қошида консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех ташкил этилиб, унда 30 нафар ишчи иш бошлади.

Корхонанинг ишбилармон раҳбари хитойлик ҳамкорлар билан шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Туркияликлар билан ҳамкорликда кунига 45 тонна ун ишлаб чиқарадиган цех ташкил этиб, 60 та янги иш ўринларини яратди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Ховос туманидаги Шарқобод қўрғонида бир минг етти юздан зиёд аҳоли яшайди. Шарқободликларнинг дастурхонини тўкин қилаётган уларнинг томорқаларидир. Абдуманнон Бегимов, Ислом Темиров, Шавкат Сарибоев каби миришкорлар бир мавсумда ўз томорқасида 4 тоннагача картошка етиштирса, Даврон Ботиров, Хонимқул Маматқулов сингари соҳибкор боғбонлар ҳар йили 6 тоннадан ошириб узум олади. Деҳқонлар йил давомида Боёвут, Ховос, Янгиер ва Гулистон бозорларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини узлуксиз етказиб беради.

### ЮРТ ОБОДЛИГИ - МЕҲНАТДАН...

Даромадга яраша буромад деганларидек, қишлоқ қиёфаси ҳам йилдан-йилга чирой очиб бормоқда. Ўтган йили ҳашар йўли билан гузар қурилди, врачлик пункти ишга туширилиб, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди. Кейинги пайтда ишбилармонлар қишлоқда ишлаб чиқариш корхоналарини йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, тадбиркор Абдуғаффор Қодировнинг ташаббуси билан тикувчилик цехи ташкил этиляпти. Яқин кунлар ичида фаолият кўрсата бошлайдиган мазкур цехда 15 нафар хотин-қиз иш билан таъминланади.

Қишлоқ аҳли боғлар барпо этишга ҳам астойдил киришди. Ўтган йили томорқа ва маҳалла кўчаларига 10 минг тупдан зиёд мевали дарахт ниҳоллари ўтқазилди.

## «ОЛИЙ ҲИЗМАТ» МЕБЕЛЛАРИ

Мебел ишлаб чиқариш бўйича «Олий хизмат» фирмаси Андижон вилояти Избоскан туманида тўрт йил аввал ташкил этилган эди. Ўз фаолиятини тўрт турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошлаган ушбу корхона аста-секин уларнинг турини кенгайтириб борди. Бугун корхонада 28 турдаги мебель ишлаб чиқарилмоқда.

Бу ерда якка тартибдаги буюртмалар бажарилмоқда, ташкилот ва корхоналарга замонавий офис мебеллари етказиб берилмоқда. «Олий хизмат» истеъмолчилари орасида кўпгина маданий муассасалар, ўқув юртлари бор. Бу борада биринчи қадам 2003 йилда ташланган. У пайтда Избоскан педагогика коллежига парталар, стул ва столлар етказиб берилган эди. Сўнгра Пахтаобод, Марҳамат, Шаҳрихон туманлари, Андижон шаҳридаги қатор коллежлардан буюртмалар келиб тушди. Бу йил фирма буюртмалар бўйича умумий қиймати 35 миллион сўмлик 26 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Даромаднинг катта қисмини ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва қўшни мамлакатлар бозорига чиқиш учун сарфлаш мўлжалланмоқда.

# ТЕМУРНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Профессионал бокс бўйича юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ўта оғир вазнли енгилмас чарм қўлқоп устаси Темур Иброҳимов АҚШнинг Флорида штатида америкалик Кенни Крейвенга қарши навбатдаги рейтинг жангини ўтказди.

Айтиш жоизки, ўзбекистонлик чарм қўлқоп устасининг жорий йилдаги дастлабки беллашуви уни кутиб турган жиддий жанглар олдидан синов вазифасини ўтади. Чунки Кенни Крейвен Темур Иброҳимовга нисбатан анча тажрибали бўлса-да, айни пайтда рейтингда юқори ўринларда қайд этилмаган. Профессионал рингда эса 44 жанг ўтказиб, шулардан 27 тасини ўз фойдасига ҳал қилган. Америкалик чарм қўлқоп устаси Темур Иброҳимов сингари кучли зарбага эга. У 22 рақибини нокаутга учратган.

Бироқ, Темур Иброҳимовга қарши ўтказилган жангда америкалик боксчига тажрибаси ва кучли зарбаси ёрдам бермади. Саккиз раундга мўлжалланган жангнинг дастлабки иккитасида Кенни Крейвен ҳужумга зўр берган ўзбекистонлик чарм қўлқоп устасининг бир неча кучли зарбасини ўтказиб юборди. Бунинг оқибатида америкалик боксчи Темур Иброҳимовнинг қўли баланд келганини эътироф этиб, учинчи раундга чиқмаслигини маълум қилди. Шундай қилиб, Темур Иброҳимов йигирма биринчи ғалабасини нишонлади.

Эслатиб ўтамиз, профессионал боксчилик фаолиятини 2000 йилнинг 29 март куни бошлаган ҳамюртимиз 22 та жанг ўтказиб, шулардан йигирма биттасида ғолиб чиққан, 13 маротаба рақибларини муддатидан олдин мағлубиятга учратган, битта учрашувда дуранг натижа қайд этилган. Темур Иброҳимов жангларга россиялик профессионал боксчи Султон Иброҳимов билан бирга Флорида штатида таниқли мураббий Панама Льюис бошчилигида тайёргарлик кўрмоқда.

Ҳамюртимизнинг профессионал рингдаги муваффақиятли иштироки рейтинг жадвалида юқори ўринларда турган боксчиларга қарши жанг ўтказиш ва яқин келажакда жаҳон чемпионлиги камарига даъвогарлар сафига қўшилиш учун имкон беради. Жумладан, ана шундай муҳим жанглардан биринчисини Темур Иброҳимов 24 июн куни Лас-Вегас шаҳрида америкалик Калвин Брокка қарши ўтказиши режалаштирилган. Жаҳон рейтингида бешинчи ўринда турган Калвин Брок ҳамюртимиз учун асосий рақиблардан ҳисобланади. У профессионал боксчилик фаолиятида 28 учрашув ўтказиб, барчасида ғалаба қозонган, 22 маротаба рақибларини муддатидан олдин мағлубиятга учратган.

**(ЎзА)**

# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

*Ватан ҳимоячилари*

## МИЛЛИЙ АРМИЯ — ҚУДРАТИМИЗ ВА ИФТИХОРИМИЗ

***Мамлакатимиз демократиялаштириш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўлидан оғишмай олға бормоқда. Армия – жамиятнинг ажралмас бир қисми бўлгани учун юртимизда юз бераётган ўзгаришлар Қуролли Кучларимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Шунингдек, ислоҳотлар самараси ўлароқ, Қуролли Кучларнинг батамом янги тизими жорий этилмоқда.***



Айтиш жоизки, бугунги кунда муддатли ҳарбий хизматга ҳар томонлама соғлом ва етук, юрагида ўти бор йигитлар танлаб олинаётир. Бугун аскарликка бориш учун уларнинг тўрт мучаси соғлигининг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун замонавий билимларни эгаллашлик ҳам талаб этилади. Чунки миллий армиямиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз нафақат жисмонан бақувват, балки энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштира билишлари, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти билан ажралиб туришлари лозим.

Мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида давлат ягона сиёсатини юргизиш мақсадида Мудофаа вазирлиги ва бошқа қуролли тузилмалар вазифалари қайта кўриб чиқилди. Қўшинлар бошқарувининг янги ягона тизими жорий этилди. Барча турдаги қўшинлар узвий ўзаро ҳамкорлиги ҳамда самарали бошқаруви тизими ишлаб чиқилди. Бу – моддий ва молиявий воситаларни сезиларли даражада иқтисод қилган ҳолда мамлакат мудофаа қобилиятини зарур даражада сақлаш имконини беради.

Хусусан, қуйи жанговар бўлинмалар ташкилий штат тузилишлари ва вазифалари қайта кўриб чиқилди. Илғор мамлакатлар тажрибаси бўйича махсус операциялар ўтказиш бўлинмалари ташкил этилмоқда. Ўзининг моҳиятига кўра ҳарбий хизматчилар тайёрлашнинг принципиал янги шакли замонавий ўқитиш шаклларига асосланган сержантлар мактаблари фаолият кўрсатмоқда.

Қўшинлар ҳарбий-техник таъминотини takомиллаштириш, жойлаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Шунингдек, профессионал армияни шакллантиришнинг босқичма-босқич дастури тузилган бўлиб, унда белгиланган тадбирлар режа асосида амалга оширилмоқда. Халқаро ҳамкорлик доирасида ўтказилаётган ташрифлар, учрашувлар, анжуманлар ислоҳотларимиз самарасини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ташкил этилиши катта имкониятлардан бири бўлди. Ҳарбий хизматнинг бу тури халқимизга жуда қўл келмоқда. Сабаби энди муддатли хизматга чақирилмаган йигитларимиз ҳар ярим йилда тиббий комиссиядан ўтишдан озод бўлишди. Шу билан бир қаторда, сир эмаски, илгари ота-оналар фарзандларини ҳарбий хизматни ўтамаганлари учун айрим жойларда ишга қабул қилишмаётганликларидан шикоят қилишарди. Эндиликда эса бундай шикоятларга ўрин қолмади.

Муқобил хизмат ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳозир бу хизмат турининг моҳияти бутунлай ўзгарди. Аввал соғлиғи бўйича муқобил хизматга чақирилганлар энди тўғридан-тўғри захирага ўтказилади. Оилавий шароити бўйича қолдирилганларга эса хизматдан кечиктириш берилиши мумкин.

Шунингдек, контракт бўйича ҳарбий хизмат Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир. Ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаган фуқаролар контракт бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўтайдилар.

Чақирилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш туман (шаҳар) чақирув комиссиясининг қарори асосида уларнинг оилавий шароитига кўра, саломатлигига кўра, ўқишни давом эттириши учун амалга оширилади. Чақирилувчини унинг ота-онаси вафот этганлиги, улар узоқ муддат бетоблиги муносабати билан ёки бошқа узрли сабабларга кўра камида беш йилдан бери ўз қарамоғида сақланаётган шахслар унинг ота-онасига тенглаштирилади.

Умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган чақирилувчилар, шунингдек, олий таълим муассасаларида кундузги ўқишда таҳсил олаётган талабалар ўқишни давом эттиришлари учун уларнинг чақирилиш муддати ўқишни тамомлагунларига қадар кечиктирилади. Таълим муассасалари томонидан ўқишдан чиқарилган шахслар чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Чақирилиш муддатини кечиктириш асосларини йўқотган чақирилувчилар, шунингдек, ушбу Қонунга мувофиқ чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига ёхуд чақирилишдан озод этиш учун асосларга эга бўлмаган ва турли сабабларга кўра, муддатли ҳарбий хизматга ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилмаган шахслар чақирилиш куни 27 ёшга тўлгунига қадар Қуролли Кучлар сафига навбатдаги чақирув пайтида чақириладилар. Шубҳасиз, олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар ҳарбий хизмат нуфузини оширишда мустаҳкам асос бўлади. Шунингдек, ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни халқимиз манфаатларига мос келади ҳамда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти янада ошишига хизмат қилади.

**А.ЧЕГЕБОЕВ,**
**Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокурори ёрдамчиси, адлия подполковниги**

## ШАХС МАНФААТИ
### қонун билан қўриқланади

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига биноан фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатиши эътироф этилган. Кейинги йилларда суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш ишлари, унинг обрўсини кўтариш ҳамда адвокатлар ваколатларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган бир қатор янги норматив ҳужжатлар қабул қилинди. «Адвокатура тўғрисида» ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.***

Охирги вақтда адвокатлар фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, улар иш фаолиятини талаб даражасида мукаммаллаштириш ва кенгайтириш, уларни ижтимоий-касбий жиҳатдан ҳимоя қилиш, бу борада вужудга келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланмоқда ва бугунги кунда ушбу долзарб масала ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Адвокатнинг фуқаро ва юридик шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотлар бериш, ҳуқуқий мазмундаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузиш, судда, бошқа давлат органларида, юридик ва жисмоний шахслар олдида вакилликни амалга ошириш, жиноий ишлар бўйича дастлабки тергов ва судда ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар вакили сифатида иштирок этиши, тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатишда намоён бўлади.

Адвокат касбий вазифасини амалга оширишда ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятлардан бири шундан иборатки, қонун адвокатлик фаолияти билан шуғулланмайдиган шахсларнинг бирортасига, жумладан, олий юридик маълумотга эга бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, суд ижрочиси, ҳуқуқшунос олим, ўқитувчи, адлия ходими ва бошқалар зиммасига бевосита жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш, шикоят ёхуд ариза ёзиб бериш ва бошқа ҳужжатларни тузиш, ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг турли туман вазифаларини юкламаган. Демак, адвокат ўз касбий фаолиятини амалга оширишда, мазкур жамиятнинг аъзоси ва оддий фуқароси сифатида у биринчи навбатда давлатимиз томонидан фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган сиёсатини рўёбга чиқаришда фаол иштирокчи ҳисобланади. Бинобарин, адвокатлик фаолиятидаги кундалик юмушлар жамият онгига Конституция ва қонунлар устуворлиги моҳиятини сингдириб боришни тақозо этади.

Адвокатнинг ёрдамига муҳтож шахслар у билан мулоқотда бўлиш жараёнида ўзларининг конституциявий ҳуқуқ ва бурчлари мазмунидан бохабар бўладилар, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш учун қайси қонун нормалари ва усуллари билан ҳимоя қилиниши мумкинлиги ҳақида маълум ҳуқуқий тушунчалар ҳосил қиладилар, у ёки бу ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар моҳияти билан танишадилар. Шу ерда алоҳида таъкидлаш жоизки, адвокатга мурожаат этган фуқароларда у билан мулоқотдан кейин ҳуқуқнинг ўзларини қизиқтирган соҳаси бўйича озгина бўлса-да, ҳуқуқий билим ҳосил бўлади. Демак, адвокатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти жамиятимиз айрим аъзоларини ҳуқуқий бефарқлик (нигилизм) кайфиятидан қутқаради, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий фаоллиги ошишига ҳамда қонун устуворлик кучига ишонч ҳосил қилишлигига хизмат қилади.

Давлат томонидан адвокатга ўз адвокатлик фаолиятини юритишда кафолатларнинг берилиши адвокатнинг мустақиллигини таъминловчи асосий воситадир. Зеро, адвокат касбий вазифаларини амалга ошириш учун бевосита давлат аппаратининг маълум бир маънода жазоловчи органлари ҳисобланган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ишлашга, баъзи ҳолларда уларнинг манфаатлари, иш услубларига (номақбул далилларни йиғиш, сўроқ пайтида маънавий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш ёхуд уларни қўллаш билан пўписа қилишликлари, инсон тақдирига бефарқ қарашликлари, инсон қадр-қимматини беҳурмат қилишлик, унинг вақти билан ҳисоблашмаслик ва бошқа ҳолатлар юзасидан) мос келмайдиган вазифаларни бажаришга тўғри келади ва шу боис, мазкур мансабдор ва амал курсида ўтирган шахслар томонидан адвокатлик касбини бажаришга нисбатан тўсқинликлар юзага келмаслиги учун адвокат ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясига олинган. Бинобарин, адвокатнинг касбига оид ҳуқуқларнинг давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бузилиши қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш, яъни адвокат олиб борган ишларга аралашганлик, унинг тутган ҳимоя позицияси юзасидан учинчи шахслар томонидан жавобгарликка тортишга қаратилган барча ҳаракатлар ёхуд адвокатнинг дахлсизлигини бузиш қонун нормаларининг қўпол равишда бузилган деб тан олинишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширган мансабдор шахс ва фуқароларга нисбатан жавобгарлик қўлланилишига сабаб бўлади.

Конституциявий суд томонидан «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси тўртинчи қисмига ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси бешинчи қисмига берилган шарҳлари юзасидан қабул қилинган Қарори адвокатуранинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга, фуқароларга кўрсатиладиган ҳуқуқий ёрдам сифатини яхшилашга ва шахснинг ҳуқуқ ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

**Садоқат САТТОРОВА,**
**Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими,**
**Алишер МУСАХОНИЙ,**
**«Huquqiy madad» адвокатлик фирмаси адвокати**

## ЎҚУВ - СЕМИНАР

***Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши вилоят Прокуратураси ва Фуқаролик ишлари бўйича Суди билан ҳамкорликда ўтказган ўқув-семинар ана шу мавзуга бағишланди.***

Касаба уюшма қўмитаси етакчилари раислари, ташкилот ва муассасалар ҳуқуқшунослари ва ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиқлари малакали мутахассисларнинг маърузаларини зўр қизиқиш билан тинглаб, меҳнат қонунчилиги масалалари бўйича ўзаро фикр алмашишди.

Меҳнат жамоаларида учрайдиган ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги саволларга тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Халилов, вилоят прокурорининг ёрдамчиси З.Раззоқова ва вилоят суди судьяси Ф.Маматовалар батафсил жавоб қайтаришди.

Семинар сўнггида қатнашчилар ўртасида социологик мониторинг ўтказилди.

**У.АҲМЕДОВ,**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири**

Янгийўл тумани ИИБ ходимлари ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартибини назорат қилиш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор профилактик тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шу боис ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда сезиларли натижаларга эришилаяпти.

**Суратда: туман ИИБ бошлиғининг хизмат бўйича ўринбосари майор А.Шамсиев, паспорт бўлинмаси бошлиғи майор В.Абдусатторов ҳамда бўлинма ходими сержант М.Акромов галдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.**

**А.ХУДОЁРОВ олган сурат**



*Биздан сўраган эдингиз*

## УНВОН УЧУН ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР МАВЖУД?

### Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

***Савол: Китоб тумани халқ таълими бўлимида методист бўлиб ишлайман. I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланганман. Ушбу унвон учун қандай давлат имтиёзлари мавжуд?***

**Ҳ.ОЧИЛОВ,**
**Қашқадарё вилояти**

**Жавоб:** «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланганлар оналик ва болаликни муҳофаза қилишдаги соғлом авлодни камол топтиришда энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлашдаги хизматлари учун мукофотланадилар. «Соғлом авлод учун» ордени икки даражадан иборат бўлади:

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени;

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени.

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланганлар оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни ватанпарварлик ҳамда ўз ватани — мустақил Ўзбекистонга ҳар томонлама содиқлик ва ундан фахрланиш олий туйғуларининг шаклланишида, оналик ва болаликнинг таъминлаш учун муносиб моддий ва маънавий замин яратишда Ўзбекистон давлати ва халқи олдидаги катта хизматлари учун мукофотланадилар.

I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланганлар бир вақтнинг ўзида энг кам иш ҳақининг 40 баравари миқдорида пул мукофоти оладилар. II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланганлар бир вақтнинг ўзида энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдорида пул мукофоти оладилар. ("Соғлом авлод учун" ордени Низомига 2003 йил 30 августда юқоридаги ўзгартишлар киритилган).

*Қилмиш-қидирмиш*

## ҚЎЛБОЛА ҲУЖЖАТ СИРИ
### ёки кредит уюшмаси нега алданди?

***Кредитнинг фоизи тўланавермагач, «Ишонч» кредит уюшмасидагилар таажжубга тушишди. Мижознинг ҳужжатларини кўтариб обдон қайта кўриб чиқишди. Шубҳа қиладиган ҳеч нарса йўқ. Ҳамма нарса рисоладагидек расмийлаштирилган. Гаровга қўйилган «Тико»нинг ҳам қоғозлари жойида.***

***— Келиб қолар...***

***Шу ўй билан улар ўзларини уч-тўрт кун тинчлантириб юришди. Аммо мижоздан ҳам, у тўлайдиган фоиздан ҳам дарак бўлавермади. Шу орада уюшма ҳуқуқшуноси давлат рақами орқали суриштириб «Тико» бошқа одамга тегишли экан, деган гапни топиб келди...***

### КУЁВИНИ СИЙЛАГАН ҚАЙНОТА

Ҳаво илиб, баҳорнинг серёғин кунлари ортда қолди. Майин эсган шаббода кўнгилга ҳузур бағишлайди. Кўклам тароватидан сармаст бўлиб ҳовлидаги юмушларни бажараётган Эркин ака кутилмаган йўқловдан ўзига келди.

— Ҳормасинлар, адажон! Ҳа, бу ҳашарга ҳам чақирай демайсиз?

У кетмонни ерга қўйиб дарвоза томонга ўгирилди. Остонада куёви Ғофур илжайиб турарди. Қўлида пакет.

— Келинг, болам. Келинг, — қайнота куёвининг истиқболига пешвоз чиқди. Икковлон илиқ сўрашиб сўрига ўтиришди. Бир пиёла чойдан сўнг йигит муддаога ўтди.

— Шу десангиз, мошинингизни ижарага бериб туришингизни сўраб келган эдим. Ҳозир кўпчилик шунинг орқасидан тирикчилик қилаяпти. Мен ҳам бекор юрмай, уч-тўрт сўм топиб, камкўстимизни бутлаб олсам дегандим.

Нима бўлганда ҳам куёв — куёв-да. Унинг раъйини қайтариб бўладими? Бир машинани ижарага бериш экану унга бутун дунёни берсанг ҳам кам. Ахир қизининг бахт-саодати учун қайси отаона куёвидан топганини аяйди. Шу фикрни кўнглидан ўтказар экан, Эркин ака Ғофурнинг фикрини қўллаб-қувватлади.

— Тўғри ўйлабсиз. Йигит кишининг ишлагани яхши.

Эркин ака гап орасида ҳовлининг бир четида гижинглаб турган «Тико»га бир қараб қўйди-да яна куёвига далда берди.

— Ҳозир машина минишга унчалик ҳушим йўқ. Ҳовлида бекор ётибди. Майли, фойдаланиб туринг.

Ҳотамтой қайнотасининг гаплари Ғофурга мойдек ёқиб тушди. Ишком остидаги янги машинага у ҳам нигоҳ ташлаб, саҳий қайнотасидан миннатдор бўлди.

— У ҳолда эртадан қолмай нотариусга бориб ишончномани расмийлаштириб келсак, — деди куёвбола.

Икковлон вақтини келишиб, эртасига нотариал идорада кўришишди. 13 Е 7790 рақамли «Тико»нинг ишини нотариус чўзиб ўтирмади. Қонуний тарзда куёвболага бошқариб туришлик учун ишончномани расмийлаштириб берди. Шу билан Ғофурнинг ҳаётида янги давр бошлангандек бўлди.

### СОХТА ГУВОҲНОМА ШАРОФАТИ

Мижозларни шаҳарнинг у четидан бу четига етказиб чарчамаган Ғофурга бора-бора Жиззах вилояти торлик қилиб қолди. Мижоз чиққанда лип этиб дам Самарқандга, дам Гулистонга бориб келишни одат қилиб олди. Шундай кунларнинг бирида у Самарқанд шаҳар компьютер хизмати кўрсатиш марказининг ёнидан ўтиб қолди. Марказдан чиқиб келган бир йигит:

— Ҳар қандай ишни компьютер орқали қойил-мақом қилиб бажариб бераман, — деди Ғофурни ўзига жалб этиб.

Жиззахлик киракаш учун бу айни муддао эди.

Анчадан буён ўйлаб юрган ниятим шу йигит орқали амалга ошса ажаб эмас, — дея хаёл қилди Ғофур. — Уни менга Худонинг ўзи етказди.

— Менга қаранг ука, бир иш бор. Эвазига 5 минг сўм бераман. Фақат ҳидини чиқармай уддалаб берсангиз бўлди, — деди очиқ ўйинга ўтиб.

— Нима қилишим керак, — йигит ҳайдовчига юзланди. — Тортинмай айтаверинг.

— Машина қайнотамнинг номида. Унинг техник ҳужжатларини ўзимникига айлантириб берсангиз.

Йигитча анчагина қув экан. Ғофурдан қайнотасининг ҳужжатларини олиб, керакли маълумотларни ёзиб олди-да:

— Кутиб туринг, — дея марказга кириб кетди.

Чамаси икки соатлар ичида нотаниш йигит Эркин Соатов номида бўлган «Тико» русумли 13 Е 7790 давлат рақамли автомашинанинг ААБ 0280427-сонли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига айнан ўхшаш янги техник ҳужжат тайёрлаб чиқди. Фақат бу ҳужжатда гувоҳноманинг ҳақиқий эгаси деб Эркин Соатов эмас, балки Ғофур Мамараҳимов кўрсатилганди. Қўлбола ҳужжатда ҳайдовчининг уй манзили Жиззах шаҳар, О. Саиднасимов кўчаси, 31-уй, деб қайд этилганди.

— Барака топинг, аслидан қолишмас экан, — деди Ғофур миннатдор ҳолатда янги гувоҳномани қайта-қайта кўздан кечирар экан. — Буни энди менинг машинам эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Икковлон қўл сиқишиб хайрлашишди. Ғофур шу дамда худди бир хум тилла топгандай ўзида йўқ бахтиёр эди.

Орадан кўп ўтмай, Жиззах шаҳар «Ишонч» кредит уюшмасида пайдо бўлган янги мижознинг ҳожатини у ердагилар тезда чиқариб беришди. У ўз аризасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи эканлигини билдириб, бир йил муддатга 3 миллион сўм кредит беришларини сўраганди. Уюшмага ариза билан тавсия этилган тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, талаб қондирилди. Гаровга «Тико» автомашинаси қўйилди.

### ИШОНЧНИ ПОЙМОЛ ЭТИБ БЎЛМАЙДИ

Иш хамирдан қил суғургандек енгил кўчди. Уч миллион сўмни худди осмондан тушгандек қўлга киритиб, ҳавойи нафси йўлида ишлатиб юрган Ғофур Мамараҳимов кредитнинг фоизини ўз вақтида қайтаришни хаёлига ҳам келтирмади. Худди ниначига ўхшаб, ялло қилиб юраверди. Тагида енгил машина, қўлини қаерга узатса етади. Давринг келди сур бегим, деганлари асли шу бўлса керак-да.

Кунлари шодон ўтаётганидан Ғофур сармаст эди. Шундай дамларнинг бирида Эркин Соатовни нотаниш киши йўқлаб келди. У ўзини Улуғбек Йўлдошев деб таништириб, шаҳардаги «Ишонч» кредит уюшмасида ҳуқуқшунос бўлиб ишлашини билдирди.

— Келинг, болам, — деди хонадон соҳиби меҳмонни ичкарига таклиф этиб. — Нима хизмат.

— «Тико»ни суриштириб келгандим, — деди Улуғбек отахонга кўнгил ёриб. — У сизникими?

— Ҳа. Бироқ уни куёвимга ижарага берганман. Тинчликми? — хавотирланиб сўради Эркин ака.

Икковлон бироз гаплашиб ўтиришди. Меҳмоннинг сира чеҳраси ёришмади. Эркин ака Тиконинг ўзига тегишли эканлигини тасдиқловчи барча ҳужжатларни тавсия этганида уюшма мутахассиси ҳайратдан ёқа ушлади. Ахир бу машина Ғ. Мамараҳимовнинг номидан гаровга қўйилган. «Автотехҳизмат» ҳиссадорлик жамияти томонидан нархланиб, гаров шартномаси ҳам тузилган. Қолаверса, тўпланган барча ҳужжатлар нотариал идора томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланган.

Эртаси куни Улуғбек Йўлдошев Жиззах шаҳар прокуратурасига хат билан мурожаат этиб, бор гапни яшириб ўтирмади. Очиқ-ойдин баён этди. Олмоқнинг бермоғи бор, емоқнинг қусмоғи. Тадбиркорларнинг оғирини енгил қилиб, уларни қўллаб-қувватлаб келаётган Жиззах шаҳар «Ишонч» кредит уюшмасининг ишончини поймол этган Ғофур Мамараҳимовнинг кирдикорлари тергов жараёнида фош этилди. Судга оид криминалистика экспертизасининг 2005 йилнинг 19 августида берган 547-хулосасига кўра, «Тико» русумли транспорт воситасининг қайд этиш гувоҳномаси қалбаки деб топилди. Шунингдек, экспертиза қўлбола ҳужжатнинг рангли принтерда томчилаб-сочиш усулида ишлаб чиқарилганлигини ҳам исботлаб берди. Кредит уюшмасига етказилган 3 миллион 457 минг 800 сўм зарар ҳуқуқбузар томонидан тўлиқ қопланди.

Қинғир ишнинг умри қисқа. Бугун темир панжара ортида ўтирган 26 ёшли Ғофур Мамараҳимов ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон. У бошқаларни алдаб, яхши турмуш кечираман, деб хомтама бўлган эди. Ниятига етолмай доғда қолди. Бели оғримай еган нони юқмади. Оиласи, отаси, қайнотасининг мағрур бошини ерга қаратди.

**Ҳамидилла ҲАМДАМОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди раиси вазифасини бажарувчи**

**_Театр барча санъат турларининг энг олий ва баркамол кўриниши._**

**_Театрга қадам қўйишингиз билан руҳингиз гўзалликнинг юксак осмони узра парвозга шайланаётгандек бўлиб туюлади. Юрагингиз ажиб туйғулардан ҳапқириб кетади. Бирин-кетин театр залини тўлдираётган томошабинлар ботиний интиқлик билан саҳнадан мўъжиза кутади. Бир лаҳза ҳашаматли парда ортидаги саҳнада туйғуларни жунбушга келтирадиган мўъжизакор олам борлиги томошабинга руҳий уйғоқлик бағишлайди._**



## Улуғ санъат дарғаларини вояга етказган

# МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Театр

Аста-секин парда очилиб, томошабин кўз ўнгида турфа тақдирлар намоён бўлади.

Ана, Дездемонанинг сўнгги илтижоси, рашк ўтида қоврилаётган Отеллонинг ҳайқириқлари... Ярим тунда виждон азоби исканжасида ўртанаётган паришон Макбет хоним кафтларидаги қонли доғларни артишга уринаётир. Мана «ўлмоқ ёки қолмоқ» деган абадий саволга жавоб излаётган бечора Гамлет. Яна муҳаббат тимсоли Мажнуну Лайли, Фарҳоду Ширин, Тоҳиру Зуҳролар. Даҳо санъаткорлар томонидан яратилган маънавий-руҳий олам бирма-бир намоён бўлади...

Ҳақиқатан, театр — муқаддас даргоҳ. Бу санъат тури азал-азалдан инсон қалбига меҳр-муҳаббат, завқ-шавқ улашиб келган, кишиларни эзгуликка етаклаган. Шунингдек, мустақиллик шароитида Миллий истиқлол ғоясини кишилар онгига сингдиришда, фарзандларимизни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашда, ёшлар онгида ота-онага, устозларига, она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларининг шаклланиши ва камол топишида театрнинг ўрни бебаҳодир.

Бугунги кунда барча соҳалар қатори театр санъатига ҳам давлат миқёсида алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги эзгу ишларга йўл очди. Ўтган даврда бир қатор театр бинолари тубдан қайта таъмирланиб янги қиёфа касб этди. Ўзбек Миллий академик драма театри, А.Навоий номидаги Наманган вилоят театри, Сурхондарё вилоят Қўғирчоқ театри, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон театри, Ўзбекистон академик рус драма театри, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг янги бинолари замонавий меъморчилик санъатининг энг ноёб намуналари сифатида мамлакатимиз ҳуснига кўрк қўшиб турибди. Айниқса, санъат институти талабалари учун барча қулайликларга эга бўлган Талабалар уйининг қуриб, фойдаланишга топширилиши миллий театримизнинг келажаги бўлмиш ёш, навқирон санъаткорларига бўлган оталарча ғамхўрликнинг ёрқин кўринишидир.

Республикамиз миқёсидаги 37 давлат театр жамоасида, ўтган йили турли жанрларда 150 дан зиёд янги спектакллар премьералари бўлиб ўтди. Ўтган театр мавсумида пойтахт театрлари жамоалари вилоятларда ижо-



дий сафарларда бўлишди. Бир қатор театр жамоалари нуфузли Европа давлатларида бўлиб қайтдилар. Шунингдек, хорижий мамлакатларнинг театр жамоалари ҳам пойтахт театрлари саҳнасида ўз томошаларини намойиш этишди. Театр санъаткорларининг фахрий унвонлару давлат мукофотига сазовор бўлаётганликлари эса ҳукуматимиз томонидан ижодкорларга мунтазам равишда кўрсатилаётган эътиборнинг аниқ ифодасидир. Ана шу ҳурмат-эътиборга лойиқ даражада ижод қилиш, замонамизнинг долзарб мавзуларида янги-янги саҳна асарлари яратиш театр арбобларининг бугунги кундаги энг муҳим вазифаларидан биридир. Сўнгги йилларда республика театр санъатида озми-кўпми ижобий силжишлар рўй бергани айни ҳақиқатдир. Театрларда саҳналаштирилаётган асарлар билан бирга томошабинлар ҳам кўпайиб бормоқда.

Бу эзгу ишда фидойи санъаткорларимизнинг хизмати алоҳида таҳсинга лойиқ. Уларнинг сўзида ва амалий ишида бу ҳақиқат ўз аксини топмоқда.

**Зикир МУҲАММАДЖОНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ артисти:** — Театр аталмиш бу муқаддас даргоҳга қадам қўйганимга 69 йил бўлди. Мени 1937 йилда устоз санъаткор Маннон Уйғур ишга қабул қилгандилар. Санъатнинг нозик сирларини шу ерда улуғ санъат дарғаларидан ўргандим. Улар билан ёнма-ён туриб, ижод қилдим. Бугунги кунда эришган ютуқларим, устозларим сабоқлари самарасидир. Шу кунларда драматургларимиз яхши бир асар ёзиб берсалар жон-жон деб ижро этардим. Бу менинг армоним...

**Яйра АБДУЛЛАЕВА — Ўзбекистон Халқ артисти:** —Ўтган йил мен учун жуда унумли йил бўлди. Бетоблигимга қарамасдан «Дарахтлар тик туриб жон беради» тарбиявий аҳамиятга молик асарда она образини яратдим. Бу образ менга руҳий қувват берди. Улуғ устозлар муборак қилиб кетган бу даргоҳ мен учун ниҳоятда қадрли. Устозларим сабоғи эса ҳамон яхшиликка, эл хизматига чорлайди. Ҳар куни саҳнага чиқарканман худди устозларим Сора Эшонтўраева, Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов... менга мадад бераётгандек, ҳис қиламан ўзимни.

**Жўра МАҲМУД — драматург:**

— Халқаро театр куни Наврўз байрамига уланиб кетишида рамзий маъно бор. Театр ҳам Наврўздек ҳамиша инсонларни яхшиликка, эзгуликка ва покликка чорлаб келган. Унинг кўҳна ва навқиронлиги, кучи ва қудрати ҳам шундадир...

**Шамсиқамар МАНСУРОВА — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

— Ҳар йили театр кунини «Ёш томошабинлар» театримиз янги спектакллар билан кутиб олади. «Олтин жўжа», «Виждон қўшиғи» спектакллари ёш томошабинларда катта таассурот қолдирди. Айни кунда театр биноси, айниқса, саҳнасини қайта таъмирлашга маблағ ажратилди. Келгусида болажонлар мазза қилиб дам олиб, спектакл кўришлари учун барча шарт-шароитлар яратилади. Театримиз болаларнинг севимли масканларига айланишига аминман.

* * *

Халқаро таетр куни муносабати билан йиғилган барча пойтахт театрлари жамоалари, кекса санъаткору фахрийга дастурхон ёзилиб, баҳорий таомлар билан бирга ош тортилди. Байрам шодиёнасига ёш санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, лапарлари файзу тароват бағишлади.

**Раҳимжон ОРИПОВ, «Ишонч» мухбири**

---

**_Албатта, ҳар бир турнинг марказий ўйини, деб таърифланмиш учрашуви бўлади. Лекин шундай матчлар ҳам борки, уларни мавсум ўйини, деб бемалол аташ мумкин. «Пахтакор» — «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги беллашув буни яна бир бор тасдиқлади._**

# МУРОСАСИЗ БАҲС

## ҳеч кимни бефарқ қолдирмади

Мамлакат чемпионати

Мавсумни кўтаринки руҳда бошлаб, қаторасига икки ғалабага эришган меҳмонларми ёки амалдаги чемпионлигини яна бир йилга узайтириш ниятини кўнгилга туккан мезбонларми, қайси бири кучли эканлигини билишга бўлган қизиқиш стадионга аввалги турлардагига қараганда кўпроқ ишқибозларни жалб этганлиги ҳам бежиз эмас. Чиндан-да мухлислар янглишишмади. Учрашув кутилганидек муросасиз тарзда кечди. Ҳар икки томон тарози палласида ўзи тош босиб, ғалаба нашидасини суриш учун астойдил интилди.

Гоҳ у, гоҳ бу жарима майдонида юзага келган вазиятлар ҳар икки дарвозабонни ғоят сергаклик билан ўйинни кузатишга, лозим бўлганда, бошқаришга мажбур этди...

Шиддатли кечган ўйин бора-бора асабларни имтиҳондан ўтказган ҳолларга кўп дуч келганмиз, албатта. Икки гранд жамоа ўртасидаги баҳс ҳам бундан мустасно бўлмади.

Ўйин 3:0 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан якун топди. Ким билади, бу муваффақият қитъа чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларида қатнашаётган пахтакорчилар учун ўзига хос рағбатлантириш вазифасини ўтаб, қолган ўйинларни яхши ўтказишларига сабаб бўладими! Ҳар ҳолда буни нафақат «Пахтакор» мухлислари, балки бутун мамлакатимиз футбол ишқибозлари, шу жумладан, «Нефтчи» жамоасининг ашаддий ихлосмандлари ҳам исташлари, шубҳасиз.

Ушбу тур ўзининг сермаҳсуллиги билан эса қоладиган бўлди. Хусусан, Андижон ва Урганчда томошабинлар бештадан гол гувоҳига айланишди. Энг қизиғи, ҳар икки учрашувда ҳам улоқ меҳмонларда кетди. «Андижон» жамоаси «Трактор» устидан ҳатто ғалаба қозониши мумкин бўлгани ҳолда 2:3 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлса, «Хоразм» клуби мухлисларига беихтиёр «Навбаҳор» футболчиларини олқишлашга тўғри келди. Назаров (иккита), Жабборов, Мирзаев ва Отаев томонидан киритилган голлар наманганликларга 5:0 ҳисобидаги ғалабани тухфа этди.

Фақат Жиззахда бўлиб ўтган учрашувдагина дарвозалар дахлсиз қолди. «Сўғдиёна» — «Тўполанг» — 0:0. Бу йилги мавсумда ишлари унчалик қовушмай турган «Насаф» футболчилари иродали ўйин намойиш этиб, уч очко эгасига айландилар. Ваҳоланки, қаршиликлар 85-дақиқада ҳам «Металлург»га 0:2 ҳисобида енгилаётган эдилар. Охир-оқибат тинимсиз саъй-ҳаракатлар эвазига «Насаф» 3:2 ҳисобида зафар қучиб, муҳим руҳий тўсиқдан ўтиб олди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» — «Самарқанд-Д» — 2:0, «Локомотив» — «Шўртан» — 1:0, «Бухоро» — «Машъал» — 0:3.

Уч турдан сўнг 9 очко тўплаган Тошкентнинг «Трактор» ва «Пахтакор» жамоалари пешқадамлик қилмоқдалар. Ҳозирча «Хоразм» клубигина бирорта очко жамғарганича йўқ.

**М.ИБРОҲИМОВ**

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

| | Ў | Ю | Д | М | Т — Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Пахтакор» | 3 | 3 | 0 | 0 | 7 — 0 | 9 |
| 2. «Трактор» | 3 | 3 | 0 | 0 | 6 — 3 | 9 |
| 3. «Машъал» | 3 | 2 | 1 | 0 | 6 — 1 | 7 |
| 4. «Нефтчи» | 3 | 2 | 0 | 1 | 5 — 3 | 6 |
| 5. «Насаф» | 3 | 2 | 0 | 1 | 4 — 4 | 6 |
| 6. «Тўполанг» | 3 | 1 | 2 | 0 | 5 — 2 | 5 |
| 7. «Қизилқум» | 3 | 1 | 2 | 0 | 4 — 2 | 5 |
| 8. «Навбаҳор» | 3 | 1 | 1 | 1 | 6 — 3 | 4 |
| 9. «Локомотив» | 3 | 1 | 1 | 1 | 4 — 4 | 4 |
| 10. «Бухоро» | 3 | 1 | 0 | 2 | 3 — 5 | 3 |
| 11. «Самарқанд-Д» | 3 | 1 | 0 | 2 | 2 — 5 | 3 |
| 12. «Шўртан» | 3 | 1 | 0 | 2 | 1 — 4 | 3 |
| 13. «Металлург» | 3 | 0 | 1 | 2 | 2 — 4 | 1 |
| 14. «Андижон» | 3 | 0 | 1 | 2 | 2 — 5 | 1 |
| 15. «Сўғдиёна» | 3 | 0 | 1 | 2 | 0 — 4 | 1 |
| 16. «Хоразм» | 3 | 0 | 0 | 3 | 1 — 10 | 0 |

---

*Анъана*

## БИТИРУВЧИЛАР БОҒИ

Шунга ҳам бир йил бўлибди. Бултур баҳор фаслида Мирзаобод туманидаги Р.Муҳамедов номли 21-ўрта мактабда хайрли ишга қўл урилган эди. Битирувчи синф ўқувчилари шу атрофдаги 2 гектар майдонни ўзлаштириб, боққа айлантиришга аҳд қилдилар. Бунинг учун улар яхши ният билан 400 та мевали дарахт кўчати экишди. Айни кунда ёш ниҳоллар гуркираб ўсмоқда.

Ака ва опалари бошлаб берган бу ибратли ишни мактабнинг 1-синф ўқувчилари давом эттирди. Анъанага содиқ қолган кичкинтойлар меҳрибон устозлари кўмагида 1000 туп мевали кўчат экдилар. Бу боғ келгусида қўшимча сармоя олишга имкон яратади. У мактаб атрофини янада ободонлаштириш, аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш ва бошқа тадбирларга ишлатилади.

**Машҳура СОДИҚОВА, ЎзДЖТУ талабаси**

---

Спорт оламида

*Теннис*

## ПЕТРОВА — ЧОРАК ФИНАЛДА

АҚШнинг Майами шаҳрида давом этаётган «Мастерз» туркумига кирувчи халқаро турнирнинг аёллар ўртасидаги баҳсларида россиялик Надежда Петрова грециялик Елена Данилидини мағлубиятга учратиб чорак финалга йўл олди.

Турнирнинг биринчи рақамли ракеткаси франциялик Амели Моресмо ҳам Сербия ва Черногория вакиласи Ани Иванович устидан осонлик билан ғалабага эришиб, навбатдаги босқичга йўл олди.

Мукофот жамғармаси 3,5 миллион АҚШ долларидан иборат АТП таснифига кирувчи ушбу турнирнинг эркаклар ўртасидаги беллашувларида Рожи Федерер биринчи рақамли теннисчи сифатида қатнашмоқда. У навбатдаги баҳсда россиялик Дмитрий Турсуновга қарши кортга тушади. Турнир мезбони Энди Роддик ҳам муваффақиятли ўйин кўрсатмоқда. Ўтган босқичда у испан Фернандо Вердаскони мағлуб этди.

*Бокс*

## НИҲОЯТ КАМАРГА ЕТИШДИ

WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Николай Валуев ниҳоят чемпионлик камарини белига маҳкам боғлади. Камарни топшириш маросими Гамбург шаҳрида бўлиб ўтди. Бу тадбирнинг кечикиш сабабларига келсак, дунё боксчилари



орасида энг дарози саналган рус боксчиси учун махсус чемпионлик камари тайёрланди. Чунки ҳаммага тўғри келган анъанавий камарлар Валуевга кичиклик қилиб қолди. Энди бошқа йўналишлардаги мутасаддилар ҳам янги камар тадоригини кўриб қўйсалар бўлаверади. Николай бошқа йўналишларда ҳам чемпион бўлиш ниятини ошкор этган. Ҳали профи рингида бирор марта мағлубиятга учрамаган рус гигантидан буни кутса бўлади.

## РАҚИБ ОВОЗГА ҚЎЙИЛАДИ

Ўта оғир вазнда WBC чемпионлигини қўлга киритган Хасим Раҳмон ўз унвонини яна бир марта ҳимоя қилиши лозим. Бу ҳақда ушбу йўналиш президенти Хосе Сулаймон маълум этган.



— Жеймс Тонига қарши кечган жангда Раҳмон катта қоидабузарликларга йўл қўйди, - деган у. — Шу боис 30 йиллик бокс тарихи давомида илк марта ўйиндаги қўполлик учун реванш-жанг ўтказишга мажбурмиз. Тонининг промоутери бизга кўплаб фотосуратлар ҳамда видео ёзувни тақдим этган. Бир нарсага ҳайрон қоламан, бу ҳолни наҳотки ҳакам кўрмади.

Шу ҳафтада WBC бошқарувчиларининг 36 нафари йиғилиш ўтказиб Раҳмон кимга қарши жанг ўтказишини маълум қилади. Тонидан ташқари россиялик Олег Маскаев ҳам бу жангга даъвогарлик қилаяпти.

*Футбол*

## МУРАББИЙ ДРОГБАНИ ҚЎЛЛАДИ

«Челси» жамоасининг марказий ҳужумчиси Дидье Дрогба жамоа бош мураббийи Жозе Моуриньо томонидан олқишланди. Ўтган шанба куни «Манчестер Сити»га қарши ўйинда икки тўп киритган футболчи инглиз фанатлари томонидан унча хуш кўрилмасди. Бироқ, жамоа бош мураббийи Дрогбанинг жамоа учун керакли футболчи эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳамда мухлислардан уни қўллаб туришини сўраган.

**А.ЮНУСОВ тайёрлади**

Спорт оламида

---

## «ПАҲЛАВОН» МАЖМУАСИ

**_Олмалиқ кон-металлургия комбинати кўмаги билан «Металлург» спорт клуби ҳузурида 380 ўринли «Паҳлавон» бокс мажмуаси фойдаланишга топширилди._**

- Бу ерда ҳар куни юзга яқин киши бокс, кикбоксинг, таэквандо, миллий кураш каби спорт турлари билан шуғулланиши мумкин, - дейди «Металлург» спорт клуби раиси Владимир Башкиров. - Мазкур иншоот нафақат машғулотлар, балки йирик мусобақалар ўтказиш учун ҳам мўлжалланган.

Янги спорт иншоотида кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан 160 дан зиёд спортчи иштирок этди.

Муросасиз кечган мусобақа пойтахтлик Шоҳрух Рўзиев, Камолиддин Абдуназаров, Мурод Саидхонов, Жамшид Мирзабоев, Дониёр Қодиров, Тошкент вилоятидан Ботир Шокиров, Жамшид Қаҳрамонов, Даврон Ашурматов, Аслиддин Абдуқаюмов, самарқандлик Бобир Раҳматов, андижонлик Зиёдулла Умматалиевларнинг ўз вазн тоифасидаги ғалабаси билан якунланди.

**(ЎзА)**

---

Чироқчи туманидаги Марказий шифохонага қарашли Оқтўнли қишлоқ врачлик амбулаторияси 17 минг 600 нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Эътиборли томони шундаки, ҳудудда истиқомат қилувчи туғиш ёшидаги аёллар доимий кўрикдан ўтказилиб туриладиган амбулатория зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда 20 дан зиёд тиббий ходим куну-тун халқ хизматида.

**Суратда: шифокор Болта Қиличев ҳамширалар Нодира Содиқова ҳамда Гулнора Нормўминовага кўрсатма бермоқда.**

**А.АЛЛАМУРОДОВ олган сурат**



---

Овчи ён дафтаридан

# ОЛИШУВ

**_Эшмат амаки бошлиқ ферманинг 50 бош соғин сигири ва икки отар совлиқлар йил ўн икки ой Чуқурсой, Ялтирсой ва Ўсканчўққи яйловларида боқилади. Қўшхона яқинидаги булоқнинг шаффоф ва зилол суви саратонда ҳам муздек бўлиб, зарурат туғилганда сут ва сут маҳсулотларини бир қанча муддат сақлаш имконини беради._**

Бир-бирига туташ баланд тоғ оралиқларидаги серўт яйловларда чорва молларини яйратиб боқиш чорвадорларга қулай. Лекин тоғу тош, жарлик ва чангалзорларда кунда бўлмаса-да, кунора йиртқичлар учраб нохуш кўнгилсизликлар келтириб чиқарар, бундай пайтларда чўпон-чўлиқлар садоқатли ити сиртлонга ишонганлари учун кўнгиллари бир мунча хотиржам эди.

Қиш охирлаб кечқурун новларга майдаланган хашак тақсимланаётганида қўйлар кутилмаганда ҳуркиб, қўра ичкарисига ёпирилиб кириб кетишди. Олапарнинг жон-жаҳди билан ҳуришидан йиртқич ортига тисарилди. Шошиб қолган қўйчивонлар ғира-ширада қўлларига заранг таёқ ва паншаха олишиб «ҳайт-ҳуйт»лаб қичқириб қолишди. Чўпон итлари йиртқич ортидан қирдан ошгунича қувлашиб, кейин қайтиб келишди. Бироқ улар орасида олапарнинг йўқлиги ва ҳадеганда келавермаслиги бош чўпон Раҳим амакини хавотирга сола бошлади. Вақт — ғанимат. У қашқа саманига қамчи босиб бир қир ошгач тўлин ой ёруғида содиқ итининг йиртқичлар орасида жон олиб, жон бераётганини кўрди. Милтиқнинг варанглашидан сўнг улар кўздан ғойиб бўлишди. Олапар эса йиртқичнинг сойга чекинишидан ғафлатда қолиб қонга беланганича ётарди. Ана шунда Раҳим амаки йиртқичлар рақибидан ўч олишда ўта маккор бўлишини эслаб, капалаги учди. Бутун аъзои бадани қалтираб, нима қиларини билолмай, саросимага тушиб қолди. Ёрдамчи чўпонлар етиб келгандагина у эс-ҳушини йиғиб олди. От эгари устидаги қопга ётқизилиб, жароҳатланган олапар қўрага келтирилди.

Олапарнинг жонига тўзим берсин. Териси шилиниб, ичак-чавоқлари чиқиб қолганига қарамай, туни билан оғриқдан ғингшигани эшитилмади. Ялоғидаги овқатига қиё ҳам боқмади.

Эртаси куни фермер Эшмат амаки Бўрибосар билан қишлоқдан қайтганида содиқ ити нимanидир сезгандай қўра тўридаги олапар ёнига борди. Она ит унга жавдираб қараб ётарди. Шу ондан бошлаб Бўрибосарнинг ҳаловати йўқолди. Кейин ичкаридан ўқдек отилиб тепалик томон ўрлай кетди. У йўртганича чамаси юз-юз эллик одим юргач, тўхтаб, теварак атрофига йиртқичлар билан олапар ўрталаридаги олишув бўлган жойни бехато топган эди. Кейин Бўрибосар чўнқайиб ўтирганича аянчли ғингшиди. Бутун вужуди билан баланд тоғ чўққилари томон тикиларкан йиртқичларга нисбатан адовати янада кучайди. Бўрибосар қўрага алламаҳалда қайтиб келганидан кейин ҳам бир неча бор тепаликка чиқиб келди.

Тонг ёришгач Раҳим амаки Бўрибосарнинг олапар ёнида ётганини кўриб ҳайратдан ёқа ушлади. Аммо яқинроқ борганида олапарнинг ёруғ дунё билан хайрлашганини кўриб, ич-эти увишди. Ана шундагина у Бўрибосарнинг қўрада йўқлигидан фойдаланишган йиртқичлар олапардан ўч олишганини англаб етди.

Орадан бир неча кун ўтиб кутилмаганда ярим оқшом қўшни қўрада тўс-тўполон, чўпон қийқириғи ва милтиқ овози эшитилиб қолди. Икки қўра ўртаси бир чақирим ҳам чиқмасди.

Бўрибосар шу заҳотиёқ йиртқичнинг ҳидини олиб кўз очиб юмгунча тепалик томон илдам йўртиб кетди. Шай туришган бошқа чўпон итлари ҳам унинг ортидан эргашишди. Тотувнинг тани бир, деганларидек чўпонлар ҳам қараб туришганлари йўқ. Афтидан, қўрага йиртқич оралаб қўйларнинг бир қисми симтўр деворга урилганлиги туфайли қозиқлар эгилиб ташқарига бўлиниб кетган, ёлғиз қолган чўпон саросимага тушиб қолган кўринади. Ҳадемай бўлинган қўйлар бир жойга тўпланди. Бўрининг ўзи тўйса ҳам кўзи тўймас экан. Маҳлуқ беш-олти совлиқни чавақлаб кетганди.

Раҳим амаки қўрага қайтиб келганида учқунлаб ёғаётган қор ҳали-вери тўхтамаган, ҳавонинг совиб кетишига қарамай бу ерда ҳаёт осуда кечарди. Уйча ўртасидаги катта чўян печкада саксовул бўлаклари чарсиллаб ёнар, чойдуш қайнаб турарди. Бош чўпон чўзилиб энди кўзи илинган экан, итларнинг ҳуришидан уйғониб кетди. У пахталигини елкасига ташлаб ташқарига чиқди. Лекин Бўрибосарнинг кўринмаслигидан, бир қориндан талашиб тушган қондош — Оқбўйиннинг эса оёқ панжалари қон эканлигидан баттар хавотирга тушди. Вақт ғанимат. У тезда қўшотарини қўлга олиб жийрон қашқасига қамчи босди. Оқбўйин эса улар олдига тушиб тепалик томон ўрлай бошлади.

Бу орада тонг ёришди. Арчасой дарасига етаверишдаги чуқур сой этагида Бўрибосар чўнқайиб ўтирар, ёнида нимадир қорайиб кўзга ташланарди. У ўн-ўн беш одим юргач, Бўрибосар орқа оёқларини авайлаганича Раҳим амаки томон яқинлаша бошлади. Жон таслим қилган йиртқич қор устида қонга беланиб ётарди.

Арчасой дараси этагида рўй берган бу воқеа тезда қишлоққа ҳам бориб етди. Қўйчивонлар Бўрибосарнинг кўпдан тутқич бермай келаётган ёлдор бўрини ер тишлатганидан кўнгиллари осмон қадар эди. Шу куни чинакам байрам бўлиб кетди. Қозон тагига ўтин қалаб олов ёқилди. Келиб-кетувчиларнинг охири кўринмасди.

**Абдулла САИДОВ**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18855 Буюртма Г— 514

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.45

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.